КУРСАНТЛАРДА КАСБИЙ ДИҚҚАТ ТУРЛАРИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМАЛАРИ.

Суннатиллоев Наврузбек Нодир ўғли,
Ички ишлар вазирлиги академияси
231-гурух курсанти,

Ушбу мақолада *касбий диққат шакиллантириш усуллари, касбий диққат фаолиятини кучайтириш йўллари, касбий фаолиятида диққатнинг асосий хусусиятлари, курсантлар келгусидаги иш фаолияти давомидаги диққатни жамлаш принциплари, диққатни ривожлантириш асослари батафсил ёритилган.*

Таянч сўзлар *диққат хусусияти, касбий диққат, диққатни ривожлантириш, кузатувчанлик, диққат фаолиятини кучайтириш, диққатни жамлаш принциплари, билиш жараёнлари, кузатувчанлик хусусияти.*

Касбий диққат- яхши шакилланган ихтиёрий диққатни англанганлиги ва керагича бошқариш имконияти борлиги билан фарқланади.

Диққатнинг шакиллантириш усуллари

- Қилинаётган ишнинг аҳамиятии ва зарурият даражасини тўлиқ англаш
- Диққатни йўналтириш лозим бўлган саволни аниқ қўя олиш
- Ўрганилаётган обьектга нисбатан қизиқиш уёғота олиш
- Диққат бўлинмаслиги учун тартиб-интизомга риоя этиш
- Характери ва ирода хусусиятларини ривожлантириш

Қасбий диққат ва идрок жараёнларини ташкил этиш усуллари.

-Обьектни кузатиш жараёнида жинноятчининг ўзига хос хусусиятларини олиш учун ходим жиноятчининг ўрнида тасаввур қила олиш зарур.

-Диққатни асосли равишда тенг тақсимлаш ва тез қўчира олишни

шакиллантириш усулларидан фойдалана олиш.

-Давомли машқлар ёрдамида диққат марказида 2-7 эмас, балки 2-15 тагача обьектни ушлаб туриш.

-Диққатни бир обьектдан иккинчисига кўчиришида 1-3 сониядан фойдаланиш

- Диққатнинг доирасининг торайишишидан эъхтиёт бўлиш, аҳборот қанчалик муҳим бўлмасин бир обьектга боғланиб қолмаслик.

- Умумий кузатув обьектида, шароитни ўрганиш учун диққатни тенг тақсимлаш орқали обьектни қисмларга бўлиб кузатиш талаб этилади.

Курсантлар диққат фаолиятини кучайтириш учун:

- жавобгарлик хисини сезиши, фаолият самарасини берадиган томонларини англай олиши

- муайян иш фаолиятни амалга оширишда иродавий жараённини ишга сола билиш, хар бир хизмат вазифасини олиб бораётган ходим ёки курсант унга йуклатилган вазифасини ўз вақтида бажарариши ва амалга ошириш вақтидаги зўриқишларга ортиқча куч сарфлашга мажбурлигини тан олиши учун иродавий кучидан фойдалана билиш.

- атрофдаги воқейликлик эътибор билан кузатиш, яна бир бор текшириш кўриш керак деган диққатни кучайтирадиган буйруқлар бериш бориш

- салбий ҳиссиётларни хизмат жараёнига арашлаштирмаслик, ҳиссиётларни енгиш сергирликни ошириша ёрдам беради.

- иш жараёнини сифатини тушириб юборадиган омилларни инобатга олиш вақтида овқатланиш кечки 12 дан кейин ва байрам кунлари ҳушёрликли янада ошириш лозим.

Курсантлар келгусидаги иш фаолияти давомидаги диққатни жамлаш принциплари.

- Муайян ҳолатга диққатни йўналтириш.

- Аҳамиятга эга бўлмаган маълумотларни чиқариш ташлаш.
- Кераксиз фикларни онгдан чиқариб юбориш.

Диққатни ривожлантириш асослари

Умумий зийраклик. Ўзингизга аввалдан хеч қандай вазифа қўймай, муайян вазиятда дуч келган таассуротдан ниманидир сезиш.

Йўналган зийраклик (синчиковлик). Оьбектни диққат билан кўздан кечириш, шундан сўнг ушбу обьектга тегишли бирон-бир жиҳат ҳақида, савол илгаридан маьлум бўлмаса-да, предментни кузатиш чоғида сезиш мумкин бўлган нарса тўғрисида онгда савол шакилланади.

Мақсадли кузатувчанлик. Бирон-бир ходисанинг муфйян тафсилотларини кузатиш вазифаси қўйилади,шундан кейингина ушбу ходиса курсатилади. Диққат жараёни ўз навбатида кузатувчанлик фаолияти билан уйғун шакилланади.

Кузатиш курсантлар касб фаолиятида тезкор хизмат учун муайян қизиқиш уйғотган шахсларнинг жиноий фаолиятини. Уларнинг алоқаларини, шахсий хислатларини, ўғирланаган нарсаларни сақлаш ва ўтказиш жойларини, терговга қилинаётган ҳодисаларга тааллуқли фактларни ва шу кабиларни аниақлашга имкон беради.

Кузатиш жараёнини тўғри ташкил этиш, албатта, касбий фаолияни ташкил этишнинг бошқа усуллари билан бирга, кўп жихатдан ўз вақтида жиноятлани олдини олиш, уларни тез очиш, тўлиқ тергов қилиш, яширинган жиноятчиларни қидириб топишда ёрдаим беради.

Инсон ҳамма соҳаларда бирор мақсадга эришиш мақсадида ўзи учун маъқул бўлган йўл, усул воситалардан фойдаланиб зарур фаолиятни амалга оширади. Демак, аввал мақсад пайдо бўлса шунга мувофиқ мавжуд имкониятларга суянган ҳолдаги фаолият келиб чиқади. Курсантлар ўз хизмат вазифасига бўлган масулият, маърифатли шахс сифатида камол топтиришда унинг диққат хусусиятларининг ривожланганлиги етакчи куч ҳисобланади.

Курсантларни замон талабларига жавоб берувчи билимларни бериши жараёнида уларнинг билиш жараёнлари, хусусан диққат хусусиятлари ривожланиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиши зарур. Курсантларга етарли ҳаётий кўникмаларни ошириш ва малакаларни шакллантириш, ижодий муҳитни ярата олиш учун тафаккури, дунёқараши хаёл ва тасаввурлари юксак даражада ривожланган бўлиши лозим.

Курсантларнинг билиш фаолияти бошқа соҳа хизматларига қараганида чуқурлиги, кенг қамровлиги, тезкорлиги, аниқ мақсадга қаратилганлиги, мантиқийлиги, махфийлиги билан фарқ қилади. Касбий диққат яхши шакилланган ихтиёрий диққатнинг англанганлиги ва керагича бошқариш имкониятининг мавжудлигибилан ажралиб турувчи ва нима, қачон, қайерда ҳамма нарсага диққатни қаратиш кераклигини белгилаб берувчи жараён ҳисобланади. Касбий диққатнинг ривожланганлиги унинг мақсадли ва моҳирона йўналганлиги билан белгиланади. Диққатни бир жойда жамлаш ва уни тўғри йўналтиришда қўйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур:

-иш жараёнига хос ва мос шароитни яатиш, яьни иш жойини саранжомлаш, ёриғликка кулай жойлашиб олиш,

-муайян вазифани бажариш учун психологик тайёргарлик кўриш,

-ақлий тайёргарлик, зарур адабиётлардан фойдаланиш, тажриба орттириш, ақлий фаоллият юритиш учун қуллай вақтларни ҳисобга олиш.

Курсантлар касбий фаолиятида диққатнинг асосий хусусиятлари (тақсимланиши, тарқоқлик, барқарорлиги, тез ўрин алмашиш) ҳам ўзига ҳос аҳамият касб этиши, яьни содир бўлган воқеа- ҳодисаларнинг зарур томонларини ўрганиш ва аниқлик киритиш, жиноятчи шахснинг психик ҳолатини кузатишда қўл келишини англаб йетиш лозим. Масалан, диққатнинг ҳажми 7-12 та обьектни тўлиқ қамрайди, барқарорлиги 10-12 дақиқа тўлиқ сақланади, бир сония ичида дақиқани 3-4 маротабакўчириш мумкин. Шундай

экан, ички ишлар органлариходимлари ўз хизмат вазифаларини давомида касбий диққатни юзага келтириш учун куйидаги усуллардан фойдаланишлари керак: диққат доирасиниг доирасини ҳисобга олиш яьни ахборот қанчалик муҳим бўмасин, бир обьектга боғланиб қолмаслик, умумий кузатив обьектда шароитни ўрганиш мақсадида диққатни тенг тақсимлаш орқали қисмларга бўлиб кузатиш, Диққатни кучайтириш усуллари яьни жавобгарлик ҳиссини сезиш, фаолия самарадорлигини белгиловчи аҳамиятли томонларини ҳисобга олиш, муайян ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишда иродавий кучга таянанилади.

Курсантлар хизмат фаолиятини олиб бориш жараёнида кузатувчан бўлиши даркор. Кузатиш бу маьлум бир мақсадли режани амалга ошириш учун нарса ва ҳодисалар онгида идрок этиш тушунилади. Касбий кузатиш эса курсантлар хизмат фаолияти оперативний ишлаш жараёнида кучайтириш лозим. Жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш, яширинган жиноятчиларни қидириб топиш каби ҳаракатларни режалаштиришга қаратилган тафаккур фаолияти ишга сола олш муҳимдир. Агар билиш фаолиятида тафаккур асосан ҳали нима номаълум, муайян вазифани бажариш учун қўшимча тарзда яна нимани аниқлаш, топиш керак, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилса, конструктив фаолиятда билиш фаолиятининг босқичлари режалаштирилади, яъни бунда биз номаълум нарсани қандай кетма-кетликда излашимиз кераклиги ҳақидаги саволга жавоб берилади. Бошқача айтганда, курсантнинг изланиш ва ягона фикрлаш жараёнининг турли босқичларини ифодаловчи икки томонидир. Касбий фаолиятининг барча қолган турларини амалга ошириш учун мақбул шароитларни таъминлаш мақсадига хизмат қилади. Унинг мазмунини жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш жараёнларини бошқариш ташкил этади. Ушбу мазмун оператив раҳбарликда, ҳисоб ва назоратда, ушбу жараён иштирокчилари ўртасида ҳамкорликни уюштиришда намоён бўлади. Мазкур фаолият ахборот бериш ва алмашишдан

ҳам, ўз вазифалари бўйича курсантнинг топшириқларини бажаришлари керак бўлган бошқа шахсларнинг ҳаракатларини уюштиришдан ҳам иборат бўлади. Юқорида таъкидланганидек, курсантнинг касбий фаолияти кенг коммуникативлиги (мулоқот ва сўз бойлиги) билан ажралиб туради. Унинг коммуникатив фаолияти мулоқот орқали, яъни амалий оператив хизмат вазифаларини бажариш мақсадида атрофдагилар билан бевосита суҳбат қилиш орқали зарур маълумотларни олишда намоён бўлади. Мулоқот жараёнида таъсир этиш учун курсантдаги етарлича юксак ақл ва билимдонлик, кучли ирода, шунингдек, унинг инсоний жозибасини белгиловчи шахсий хислатлари уйғунлашиши керак. Курсант касбий фаолиятининг асосий психологик хусусиятлари ва таркибий элементларини юзаки кўриб чиқиш ҳам унинг фаолияти қанчалик мураккаб ва серқирралигидан далолат беради. Касбий фаолият курантларга кўплаб турли хил талаблар қўяди, улар орасида энг муҳимларидан бири – шахсда касбий жиҳатдан муҳим хислатларнинг ривожланган бўлиши. Уларга, биринчи навбатда, қуйидагилар киради: унинг шахсига хос хислатларнинг касбий-психологик йўналганлиги, психологик барқарорлик, ривожланган иродавий хислатлар: мураккаб вазиятларда ўзини тута билиш, жасурлик, мардлик, оқилона таваккалга мойиллик, ривожланган коммуникатив хислатлар, турли тоифадаги кишилар билан тезда алоқага кириша олиш, ишончли муносабатлар ўрната олиш ва сақлай олиш, турли хил оператив хизмат вазифаларини бажаришда одамларга психологик таъсир кўрсата олиш қобилияти, ривожланган касбий жиҳатдан муҳим билиш хислатлари: кузатувчанлик ва диққатлилик, ривожланган хотира, ижодий тасаввур, ривожланган тафаккур, ривожланган интуиция, зийраклик, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш. Ушбу хислатлар инсонга туғилганидан хос бўлмайди. Уларни шакллантириш ва ривожлантириш – давомли ва қийин жараён, аммо у курсантларнинг касбий шаклланиши учун зарур шартдир. Ушбу хислатларнинг

курсантда бўлмаслиги ёки етарли ривожланмаганлиги унинг ўз функционал вазифаларини нормал бажаришига халақит беради, ўз фаолиятида хатоларга йўл қўйишига, шахснинг танлаган касбига мослаша олмаслигига ва касбий бузилишига олиб келади. Шу муносабат билан, курсантларда ушбу хислатларни шакллантиришга хизмат қиладиган касбий-психологик тайёргарлик катта аҳамиятга эга бўлади.

Психологияда диққатга берилган таърифларидан бири Н.Ф.Добронин томонидан айтилган бўлиб, унга кўра диққат инсон руҳий(психик)фаолиятининг йўналтирилиши ва тўпланишидир. Бунда диққатнинг йўналганлиги ва тўпланиши деган шу фаолитга бўлган эътиборини чуқурлашуви тушунилади. Диққат жараён (ёки сензор ва пертсептив ақлий жараёнинг бир қисми сифатида) ҳам ҳолат ҳам (масалан, эътиборлилик) деб қараш мумкин. Хотирадан фарқ қилган ҳолда диққатнинг бошқарувчилик вазифаси яққолроқ намоён бўлади. Бу бизга психик бошқаришнинг турли даражаларига кўра диққатнинг ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёрийдан сўнгги турларини ажратиш имконини беради. Диққатнинг энг муҳим хоссалари унинг кўлами, танловчанлиги, барқарорлиги, тўпланиши, тақсимланиши ва кўчишидир. Диққатнинг кўлами деганда, қисқа вақт ичида аниқ идрок қилинган объектлар сони тушунилади. Турли тарқоқ стимуллар мавжуд бўлганда диққат кўламининг ихтиёрий бошқариш имконияти чеклангандир. Қўзғатувчилар мазмуни жиҳатидан боғлиқ бўлса, бу кўрсаткич анча юқори бўлади.

Диққат кўламининг чекланганлиги субъект томонидан ўз сензор перцептив зонасида мавжуд бўлган объектлардан айримларини ажратиб беришни талаб қилади, колган объектлар эса улар учун фон сифатида намоён бўлади. Кўпгина қўзғатувчилар орасидан, ажратиб олинган айримларигина танловчанлик хусусиятига эга бўлади. Диққат муваффақиятининг миқдорий кўрсаткичи бу тезлик билан кўплаб объектлар орасидан керакли қўзғатувчини топа олишда,

сифат кўрсаткичи эса аниқлигида намоён бўлади. Диққатнинг муваффақияти ҳар иккисини ҳам ўз ичига олади. Диққатнинг барқарорлиги психик фаолиятдан чалғимаслик ва объект устида диққатни узоқ вақт тўплаб туришни таъминлаб турувчи шахс қобилиятидир. Диққат барқарорлигининг характеристикаси узоқ вақт психик фаолиятининг дастлабки ҳолатда кўплаб ва йўналтириб турилишидир. Диққатнинг концентрацияси ҳам диққатни узоқ вақт объект устида турли таъсирларга қарамай сақлаб туришдир. Диққатнинг тақсимланиши бир пайтнинг ўзида субъектнинг бир нечта объектларга психик фаолиятнинг йўналтириб ва тўплаб туришидан иборат. Экспериментал психологияда диққатнинг тақсимланишининг кўрсаткичи субъектнинг бирор фаолият вазифасини бажаришдаги натижаси билан бир нечта вазифани бажариш натижасини солиштириш орқали аниқланади.

Диққатнинг кўчиши, унинг йўналиши ва тўпланишини бир объектдан бошқасига ўтиши тушунилади. Унинг кўрсаткичи субъектнинг бир фаолиятдан бошқасига ўтишининг қийинлигида намоён бўлади. Тадқиқотларда аниқланишича, диққатнинг кўчиши асаб тизимининг хусусиятига ҳам боғлиқ бўлади. Асаб тизими ҳаракатчан бўлган кишилар диққатининг кўчиш, қотиб қолган бўлса, қийин бўлади. Шу билан бирга диққатнинг кўчиши шахс хусусиятларига, фаоллиги, қизиқиши, мотивация даражасига боғлиқдир. Шу сабабли санаб ўтилган диққат хоссалари бир-бири билан функционал жиҳатдан боғлиқ жараён ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Асямов С.В., Пулатов Ю.С.* Ички ишлар органлари ходимларининг касбий-психологик тренинги: Ўқув қўлланма. – Т., 2002.
2. *Асқарова Ў.М., Ҳайитбоев М., Нишонов М.С.* Педагогика. – Т., 2008.
3. *Бархаев Б. П.* Педагогическая психология. – Санкт-Петербург, 2009.

4. *Белинская Е.П., Тихомандрицкая О.А.* Социальная психология личности. – М., 2001.
5. Ғозиев Э. Ғ. Умумий психология. – Т., 2012.
6. Педагогик психология. – Т., 2012.
7. Сирлиев Б.Н., Фарфиев Ё.А., Турсунова О.А. Ички ишлар органлари фаолиятида касбий муомала. – Т., 2016.